

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят  
ижтимоий-сиёсий  
газетаси

2014 йил  
9 май  
ЖУМА

№ 38 (12674)

www.th.uz

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ИЗЗАТ-ИКРОМ НАМУНАСИ

Халқимизнинг асл миллий қадриятларидан бўлган тарихий хотира билан яшаш, ўтганларни ёдга олиш, ёши улғларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш ҳамда уларни эъзозлаш янгича мазмун-моҳият билан бойиб бормоқда. Халқимизнинг бу фазилатлари, Хотира ва қадрлаш кунинда янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Ташкилотимиз вилоятимизда истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига ҳурмат бажо келтириш, уларни ижтимоий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда, уларга байрам совгалари ва озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат тўплам топширилмоқда.

Байрам кунлари ташкилотнинг шаҳар ва туман кенгашлари томонидан ёшлар иштирокида бир қатор маънавий-маърифий учрашув, адабий кеча ва спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Хусусан, Бекобод шаҳар кенгаши спорт секциясида шуғулланаётган ёшлар ва 6 та касб-хунар коллежлари ўқувчилари иштирокида ҳарбий-амалий кўпкураш спорт мусобақаси ташкил этилди. Тадбир давомида уруш фахрийси Антонина Коломнецевага 300 минг сўм, шунингдек, 30 йил давомида шу ташкилотда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб, комил инсон бўлиб воёга етишларига самарали ҳисса қўшган меҳнат фахрийси Валентин Стробикинга 200 минг сўм миқдоринда пул мукофоти берилди.

(Давоми 2-бетда).



## САОДАТЛИ ОНЛАР СУРУРИ

Ўтганларни хотирлаш, ибратли ишларини ёд этиш, кексаларни қадрлаш Шарқ халқларига хос фазилатдир. Бу ёшларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ажодларнинг энг яхши аъёналаридан фахрланиш, уларга муносиб ворислар бўлиш руҳида тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга. Бу эзгу фазилатлар Хотира ва қадрлаш кунини янада ёрқин намоён бўлмоқда.

77 ёшли меҳнат фахрийси Мирзаолим

Собиоров Чирчиқ шаҳридаги 9-Бобур маҳалласида яшайди.

– Бугун нафақат уруш қатнашчилари, балки Ватанимиз мустақиллиги йўлида курашган барча юртдошларимиз хотираси ёдга олинмоқда, зеро уларнинг руҳларини шод этиш ҳам фарз, ҳам қарзидир, – дейди шаҳар "Нуроний" жамғармаси раиси Баҳодир Кабиров. – Шу билан бирга, мустақиллигимиз тўғрисида бугунгидек дориламон

кунларга етиб, мана шундай тинч, осуда юрда яшаётганимизга шукроналар айтмиш. Нафақат Хотира ва қадрлаш кунинда, балки ҳар доим мамлакатимиз раҳбари ва давлатимизнинг биз, кексаларга бўлган меҳр ва эътиборини ҳис этиб турибмиз.

Хурият МҮМИНОВА. СУРАТДА: (ўртада) маҳалла раиси Баҳодир Кабиров ва котиба Насиба Зоирова Мирзаолим ота хонадонинда.

Даврон АХМАД олган сурат.

## ҲАР ТОНГ ДУОДАМИЗ

...Миналар портлаши, ўқлар визиллаши, кўкси қонга бўялган қуролдошларим, ўлим исми анқиб турган жанг майдони...

Уша машуум киргинбарот даҳшатлари хотирамга муҳрланганга ҳам етмиш йилдан ошмоқда. Икки аср билан юзлашган бу бош қанча замонлар томошасига гувоҳ бўлмади дейсиз?! Бир фарзандини очлик азобидан сақлаб қолиш учун иккинчисини бир қоп кепакча аламашган пайтлар... Ушаларни ўйлаб, ҳозирги дориламон ҳаёти миз бардавомлиги учун ҳар тонг дуога қўл очаман, шу кунларга етказганига шукр қиламан. Қўлгилари кўкларни тутаётган набираларимизнинг илм-фан ва спортдаги муваффақиятларидан қувонаман. Болажон халқимизнинг орузлари, бир вақтлар ишониб қийин бўлган ўй-хаёл-

ларимизнинг буй кўрсатаётганидан кечисиз гурурланаман. Ҳозир тўқсон бир ёшдаман. Шукрлар бўлсинки, беш фарзанд, 18 набира, 26 эваранинг роҳатини кўриб юрибман. Қолаверса, давлатимизнинг биз кексаларга кўрсатаётган беадоқ гамхўрликларни кўшимча куч-қувват бағишламоқда. Айниқса, Президентимизнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисидаги фармонини ўқиб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Ҳар доим давлатимиз ва халқимизнинг ардоғидамиз. Айниқса, Президентимизнинг шахсан ўзлари кўрсатган эътибор ва гамхўрликлардан ўзимизни янада тетик хис қилаёямиз.

Турсунбой ТОЛИПОВ, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси. Қибрай тумани.

Давра суҳбати

## КУН ТАРТИБИДА – АЁЛ ҲУҚУҚИ

Вилоят ҳокимлигида "Аёлларнинг ижтимоий жараёнларда иштирок этишларининг ташкилий-ҳуқуқий асослари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова, демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси Акмал Саидов иштирок этди.

Давра суҳбатини вилоят ҳокими Аҳмаджон Усмонов олиб борди.

– Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ муҳтарам Президентимиз томонидан хотин-қизларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирокини таъминлаш каби масалаларга катта эътибор қаратилмоқда, – деди ҳоким. – Бу "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармони аёлларини исжтимоий ҳаётида катта ҳодисага айланган, шу кунгача қабул қилинган 80 дан ортиқ ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар хотин-қизларнинг ҳуқуқий ҳимояси кафолатли эканини кўрсатади... Ўз ўрнида таъкидлаш жоиз, хотин-қизларимизнинг сиёсий

жабҳалардаги фаоллиги ортди. Уларнинг сиёсий партиялардаги улуши 30 минг 199 нафарга етди...

Давра суҳбатида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини янада кенгайтиришда хотин-қизлар ташкилотларининг, маҳаллалардаги маънавий муҳитни соғломлаштиришда диний маърифат масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг ўрни ва роли, вазибалари алоҳида таъкидланди.

Тадбир якунида шаҳар, туман хотин-қизлар кўмитаси раислари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди мутахассислари, Қизил Ярим ой жамияти, "Тадбиркор аёл" уюшмаси раислари иштирокида савол-жавоб, баҳс-мунозара бўлиб ўтди.

## УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ



ҳокимлиги вакиллари, уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, олимлар ва элимиз суйган санъаткорлар иштирок этишди.

Учрашув суронли уруш давлари ва аянч-

ли оқибатлари, мустақилликка эришиш ҳамда уни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ислохотлар мавзусидаги қизгин баҳс-мунозара, савол-жавобларга бой бўлди.

Тадбир якунида уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига ташкилотчиларнинг эсдалик совгалари топширилди.

Аваз БЕКОВ. Азамат АХМЕДОВ олган сурат.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

## «ТОЗАЛИК ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИДАН БОШЛАНМАЙДИМИ?»

Юқоридаги сарлавҳа остида чоп этилган мақолада Чиноз тумани ободонлаштириш бошқармаси атрофида тартибсизлик ва чиқиндилар тўлиб кетгани таъкид қилинган эди. Вилоят прокурори ўринбосари, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси Б. Нурмухамедов ушбу мақола юзасидан қуйидаги мазмунда жавоб хати йўллади: – «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 5 апрелдаги 28-сонида «Тозалик ободонлаштириш бошқармасидан бошланмайdimи?» номли таъкидий мақолада қайд этиб

ўтилган камчиликлар Чиноз туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди. Текшириш жараёнида Чиноз туман ободонлаштириш бошқармаси ҳудудидagi ишчилар йиғиб қўйган бўш баклашқалар олиб чиқиб ташланган, экиш учун жой тайёрланиб, гўл кўчатлари олиб келинган. Шунингдек, ободонлаштириш бошқармаси ҳудуди олдида ўтувчи дренаж ариғи чиқиндилардан тозаланган.

Таъкидий мақолада кўрсатилган бошқарма баландликдаги қабристонлар тозаланиб, ободонлаштирил-

ган. Бундан ташқари, Охунбобоев маҳалласида қийша-йиб қолган симғоч туман электр тармоқлари корхонаси томонидан тузатишган. Ўрганиш натижасига кўра, аниқланган қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйган туман ободонлаштириш бошқармаси механизми З. Долимов ҳамда бошқарманинг қабристон устаси Г. Г. Набиев туман давлат санитария ва эпидемиология назорати марказининг 15 апрелдаги 28- ва 29-сонли қарорлари билан маъмурий жавобгарликка тортилганлар.

Бекободлик бахши момонгиз Янглиш АЛЛАЕВА.

(Давоми 2-бетда).

# Инсон хотираси – боқий, қадр-қиммати – улуғ

Мана, ўн беш йилдан буён халқимиз 9 майни Хотира ва қадрлаш куни сифатида байрам қилади. Айтиш мумкинки, бундай байрам халқимиз табиғатида гоятда уйғун бир тарзда таъсис этилди. Чунки, марҳумлар хотирасини эъзозлаш, кексалар, ногиронлар, етим-есирлар ҳолидан бохабар бўлиб, уларга гамхўрлик кўрсатиш каби хайрли урф-одатлар азалдан диний-миллий қадриятларимиздан бўлиб келган. Бундай бобомерос қадриятларимиз буюқ Истиқлол шарофати билан давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Пойтахтимизда, шунингдек, барча вилоят ва туманларимиз марказларида Хотира майдони тикланди. Иккинчи жаҳон урушида олис Европа жангҳоғларидан ҳалок бўлган ватандошларимиз исм-шарифлари муҳрланган "Хотира китоби" яратилди. Ва ҳар йили худди шу кунда улкан хотира тадбири ўтказилиб, уларнинг руҳи покларига Қуръон тиловат қилинади ва эҳсон дастурхони ёзилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Эътибор қилсангиз, ватандошларимиз ҳафта, ўн кун олдиндан байрам таррадудини бошлайди. Аввало, қабристонлар тартибга келтирилади. Гулу райхонлар, дарахт кўчатлари ўтказилади. Кўча ва хиёбонлар, ҳовлилар саранжом-сарирта қилинади. Шуларнинг ўзи ҳам Президентимиз

## ҚАДРИЯТЛАР ҚАДРЛАНГАН ЮРТ

ташаббуси билан таъсис этилган байрамнинг қисқа бир фурсатда умуммиллий қўлаб кўришдан далолатдир. Байрамнинг халқчиллик касб этган жиҳатларидан яна бири – бу кунда нафақат марҳумлар йўқлиги, балки табаррук ёшдаги боболар, молар ҳам зиёрат қилинади. Бу эса гоятда хайрли, хусусан, ёшлар тарбияси борасида аҳамиятли ишдир. Чунки, ота-оналарга, оиладаги кексаларга гамхўрлик қилиш, уларнинг хизматида бўлиб, дуоларини олиш динимизда мақтал-

ган амаллардан саналади. "Ота рози – Худо рози" дейишади. "Оталарингизни хурматлаб, уларга яхшилик қилинглар, фарзандларингиз сизларга ҳам яхшилик қилишади" дея марҳамат қилинади Ҳадиси шарифдан Расули ақрам (с.а.в) дан ривоят қилинган бошқа бир Ҳадисда эса оналар улардан-да, эътиборга муносиб экани таъкидланади. Кексалар эъзозланган, қадрланган оилаларда фэйз-баракат бўлади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида қоқ кекса отахон ва онахонлар, ногирон ва эҳтиёжманд кишиларнинг ижтимоий ҳимоясига катта эътибор берилмоқда. Айни чоғда уларнинг хайрли дуолари шарофатидан эл-юрт тинч, мамлакатимиз кундан кунга обод бўлиб бораётгани ҳам сир эмас. Сўзимиз якунида барча юртдошларимизни байрам билан табриқлаб, қадриятлар қадрланаётган Ватанимиз осмони ҳамisha мусаффо, элимизнинг ризқи бутун, тинчлиги боқий бўлишини тилаймиз.

Қурбонали ТУРСУНОВ, вилоят бош имомхатиби.

## ИЗЗАТ-ИКРОМ НАМУНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Зангиота тумани кенгаши томонидан ўтказилган "Ватан – фидойи инсонларни унутмайди!" широри остидаги тадбирда мустақиллигимиз йўлида жонини фидо қилган икки нафар ҳарбий хизматчи – Турсунбой Содиков ҳамда Фаррух Мажидов оилалари, 10 нафар меҳнат фахрийси, ташкилот оталигига олинган 2 нафар вояга етмаган ўсмирга моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, туман кенгаши жамоатчилик иштирокида "Инсон қадр азиз, ўтганлар хотираси муқаддас!" мавзuida яна бир маънавий-маърифий тадбирни ташкил этди.

Оҳангарон тумани кенгаши вакиллари "Умид" маҳалласида истиқомат қилаётган ногирон она-бола Аметовлар ва кам таъминланган икки оилага ташриф буюриб, байрамона кайфият улаштиди. Ангрэн шаҳар кенгаши вакиллари ҳам тадбирга алоҳида тайёргарлик кўришди. Жумладан, автомобиль мактабининг 75 нафар курсанти иштирокида ҳарбий-амалий кўпқураш мусобақаси ташкил этилди. Алоҳида шижоат ва маҳорат кўрсатган курсантлар байрам совгалари билан тақдирланди.

Бугун ташкилотнинг барча шаҳар ва туман кенгашлари вакиллари, автомобил мактаблари ходимлари ҳамда ёшлар жойлардаги Хотира майдонларида бўлиб, ҳурмат бажо келтиришади.

Баҳоқир ТҮЙЧИЕВ, мудоаффага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши раиси.

## УЛАР ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Жорий йилнинг ўтган даврида вилоятдаги Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийлари чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Кўриқ жараёнида малякиа терапевт, жарроҳ, эндокринолог, ЛОР, окулист жалб этилди. Зарур клиник, биокимё, УЗИ, ЭКГ, рентген ва бошқа тиббий текширувлар ўтказилди. Тиббий кўриқ давомида Чирчиқ шаҳри, Янгийўл ва Окқўрган туманларидан зарур тиббий муолажага муҳтож беморларга имтиёзли йўлланма берилди. Улардан 6 нафари республика даволаш-профилактика муассасаларига ҳамда 4

(Давоми. Боши 1-бетда).

нафари республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларига даволаниш учун юборилди.

Текширувдан ўтказилган Олмалик шаҳри, Бўстонлик, Зангиота, Қибрай, Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ, Куйи Чирчиқ туманлари фахрийлари вилоят даволаш-профилактика муассасалари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари ҳамда ўз уйларида стационар шароитда даволандилар. Бунинг учун барча зарур шарт-шароитлар яратилиб, беморлар керакли дори-дармонлар билан таъминланди.

Ихтиёр АБДУРАИМОВ, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

## ЭЗГУЛИККА ЎРГАТАР САНЪАТ

Ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни арафасида халқимизнинг бектор, эзгуликка йўғрилган хислатлари янада бўртби кўринади. Бу фазилат кексаю ёшнинг қалбига қўвонч, кўнгилларга кўтаринкилик бахш этади. Айниқса, умрини эл қори учун фидо этганларга кўрсатилаётган ҳурмату эҳтиром ёш авлод учун ибрат мактаби вазифасини ўтамоқда.



Пискентлик устоз-мураббий Рустам Юсупов ҳам шундай эл эъзозига муносиб фидойилардан. Мусиқа ва санъат йўлидаги изланишлари, салкам 50 йиллик фидокорона меҳнати билан одамлар меҳрини қозонди. Ўзбек мусиқа санъатининг ҳақиқий шайдоиси, профессионал ижрочи сифатида истиқлол йилларида, айниқса, жўшқин фаолият олиб борди. Тумандаги 30-Болалар мусиқа ва санъат мактабининг ташкил этили-

шуда бош-қош бўлган Р. Юсуповнинг орауларни рўйбидан кўнгли тоғде кўтарилди. Илк бора қўлига тор тутқазган биринчи устози Иброимжон Дадабоев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қобул Усмоновдан санъат сирларини пухта ўзлаштириб олганини фахр ва ифтихор билан шогирдларига сўзлашдан чарчамайдиган камтарин инсоннинг самимий изҳорлари ҳам ўқувчилари учун бир сабоқ. Дарҳақиқат, қўлига

дурору рубоб олганда, нафақат соз, балки кўнгиллар куйлайдиган моҳир созанданинг ютуқлари айтишга арзигулки. Рубобчилар кўриқтанлови совриндори Аббос Бахромоўнинг машхур "Ором" куйи унинг ижросида кўнгилларни сел қилгани рости. Доирачиларнинг кўриқ-танловида голиблик, 1997 йилда Ўзбекистон халқ ҳофизси Орифхон Ҳотамов хотирасига бағишлаб ўтказилган танловда 1-ўрин...

Энди эса, устознинг шогирдлари ундан ўзаман дейди. Рустам Юсупов бундан бениҳоя шод. Чунки, унинг меҳнатлари самараси буй кўрсатмоқда. Қори Ёқубов номидаги республика ёш ижрочилар кўриқ-танлови иштирокчиси Нилуфар Махмудова дуторда ижро этган куй Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг "Олтин фонди"дан ўрин олган. "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" Рустам Юсуповни пискентликлар нафақат санъат шайдоиси, моҳир созанда, балки беш фарзанднинг гамхўр отаси, соғлом оила бошлиғи сифатида хурмат қилишади. Ёш авлод қалбига эзгулик уруғини қадаб, баракали ҳосил олишга эришаётган устоз ҳамон сафда. Халқ эъзози, эл назарига сазовор инсон ҳеч қачон қаримаиди, деганларни шу аслида.

Сайёра РИХСИЕВА, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири. Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

## ШУКРКИМ, ҚАТОРИНГИЗДА БОРМАН

– Яқинда 90 ёшга тўламан. Яратганга шукр, шу кунларга етиб келдим. Жанг майдонларида жон олиб, жон берганларимда бу кунларга ета олишимни ўйлаб ҳам кўрмаганман. Нақадар оғир, мушкул онлар эди уруш йиллари. Ушанда 17 ёшли гўр йигитчага ҳеч ким: "Авал ўқи, ўрган" деманти ҳам. 4 йилгина мактабда ўқиш насиб этган. Кейин эса дуч келган ишни қилиб кетаверибман...

Уруш бошлангач, Манжурия, Иркутск, Калининград... Хуллас, 1943 йилдан 1951 йилгача жангу жадал, ажал қоманда юрганман. Кейин эса, юртимга қайтиб келиш насиб этди. 7 қиз, 3 ўғилнинг отаси бўлиб, Сирдарёда уларни бо-



қиб учун юк ташидим. Ўғил-қизларимни баҳоли кудрат илми, уйли-жойли қилдим. Тўғриси айтсам, ҳозир неваро чевараларимнинг эмин-эркин ўқиб, ишлаётганларини кўриб, истиқлол неъматларига шукрона

айтаман. Улар учун 9 йиллик мактаб, сўнгра коллежда ўқиш мажбурий, яна бепул. Яратиб қўйилган шароитларни айтмайсиэми? Замонавий мактаб, коллежлар... Қолаверса, биз фахрийларга 23 йилдан буюн берилаётган эътибор, имтиёзлар... Ўз юртида тинч, омон, фаровон ҳаёт кечираётган ўғил-қизларимга, бугунги дориламон кунларнинг қадрига етинг, Ватаним асранг, дегим келади. Лекин оғохлик, хушёрликни унутманг. Зеро, яши нарсаларнинг овчиси кўп бўлади. Сизларнинг қамолингиз бизнинг бахтимиз.

Ҳурмат билан Йўлдош НОРМАТОВ, Чиноз тумани. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

## СУКУТ САДОСИ

*Булбуллар, сайраманг, учма қалдирғоч, Момо ер бағрини тилмағил омон. Пойингда ётган ким, айтмиш қайрағоч, Отамдек қуролдош бободир балким, Бир лаҳза сукутга садодир балким!?*

*Сўнги жанг, сўнги кун, сўнги қон оқиб, Ёрини эсласа тун ойга боқиб, Тўли ой кўзиде қолгандир қотиб. Шу ўғлон фидойи баҳодир балким, Бир лаҳза сукутга садодир балким!?*

*Номсиз тепаликда қолган эркаклар, Юртга термулиб толган эркаклар, Дунёни қутқариб қолган эркаклар, Отамдек бир деҳқон бободир балким, Бир лаҳза сукутга садодир балким!?*

*Армонин қушларга айтган ботириш, Юртга руҳ бўлиб қайтган ботириш, Бир тиллам насибанг – қотган патириш, Тушимда йўқлаган бободир балким, Бир лаҳза сукутга садодир балким!?*

*Рух бўлсанг, қалдирғоч, уйимга уй қур, Рух бўлсанг булбулим, кел, дардлашиб тур, Ҳумо қушим каби ардоғимда юр – То абад шод бўлсин боболар руҳи, Сўнамсин хотира – сукут шукўҳи!*

Ҳеч хира тортмасин қалқон яловлар, Учмасин муқаддас "Мангу олов"лар!

Бозорбой САЙДИН.

Оҳангарон тумани, Қоракўш қишлоғи, "Ўзбекистон" маҳалласида яшовчи Нишоновлар оиласини ўқувчилар сулоласи дейишади. Эркин ота яқинда 80 ёшга тўлади.

## КАСБИДАН ТОПГАНЛАР



45 йил давомида ёш авлодга таълим-тарбия бериб келди. Қишлоқдаги 12-умумтаълим мактаби жамоаси уни фидойи устоз, жонқуяр раҳбар, ардоқли меҳнат фахрийси сифатида хурмат билан тилга олишади. Бу беҳиз эмас. Му-

раббийлик Эркин отанинг қонида бор. Отаси Нишон Йўлдошев ҳам ўқитувчи бўлган. Хозирда 50 дан ортқ шогирдлари, фарзандлари, ҳатто умр йўлдоши Анорий Нишонов ҳам ўқитувчи. Бугун устозлар хонадони шогирдлар ташри-

фи, кадр ва ардоқдан янада файзли, обод. Ҳар байрамда йўқлаб турадиган оқибатли шогирдларнинг соғинч, меҳр тўла нигоҳларидан устоз кўнгиллари тоғдек кўтарилди. Саида ИКРОМОВА, Даврон АҲМАД олган сурат.

Ёши улуг кексалар онгида йиллар сурари, яқин ўтмишининг ёрқин хотираси муҳрланган. Шу боис, ёшлар тарбиясида, уларнинг маънавий баркамоллигида ота-боболаримизнинг ўйиту насихатлари юксак маъно ва мазмун касб этади.

## КЕКСАЛАРНИНГ ГАПИ САЛМОҚЛИ

Вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрамни нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. Байрам муносабати билан таълим муассасаларининг ўқув бинолари ва худудлари Ватанимиз озодлиги, шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган панно ва кўргазмалар воситалар билан безатилди.

"Инсон қадр азиз, ўтганлар хотираси муқаддас", "Икки авлод учрашув" мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилиб, уруш ва меҳнат фахрийлари тақдир этилмоқда. Байрам муносабати билан таниқли санъаткорлар,

олимлари ёзувчилар, Куролли Кучлар фахрийлари иштирокида вилоятдаги ҳарбий қисм ва муассасаларда ўқувчилар билан учрашувлар, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, нуруний отахон ва онахонлар иштирокида "Сиз Ватан ардоғидасиз" мавзuida бир пиёла чай устида байрам тадбирлари ташкил этилди. Ўқувчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ҳарбий қисмларга экскурсиялар уюштирилмоқда.

Зангиота ва Қибрай туманлари ўқувчиларидан 284 нафари Юнусобод туманидаги "Қатагон қурбонлари" музейи ва Шарҳидлар хиёбонига экскурсияга боришди. Таълим муассасаларига яқин

худудларда истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, фронт орти меҳнат фахрийлари, ҳалок бўлган жангчилар оилалари рўйхатлари шакллантирилди. Ташкил этилган "Мадада" ва "Гамхўрлик" гуруҳлари ёрдамида 497 нафар яқка-ёлғиз, меҳр-муруватга муҳтож кексалар хонадонларига бориб, улар ҳолидан хабар олинди, рўзгор ишларида кўмаклашилди ва уй-жойларини таъмирлашда ёрдам кўрсатилди.

Бу тадбирларга 654 нафар ўқитувчи ходим ва 2587 нафар фаол ўқувчи-ёшлар жалб этилди. Соҳиба ҲАМРОҚУЛОВА, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул ходими.

## Оҳангарон туманида 100 ёш билан юзлашган кексалар талайгина.

Улардан бири Унгут қишлоғининг энг кекса фуқароси 107 ёшли Турғуноӣ могодир.

Турғуноӣ ая бир қиздан кейин беш ўғил кўрди. Аммо улар ёшлиғида но-буд бўлди. Қизи Бахринисо ая бугун 77 ёшда. Онанинг тақдир қизда тақдорларини азалий ҳақиқатдир эҳтимол. Шу маънода айтиш мумкинки, Бахринисо ая ҳам беш ўғил кўрди. Укаларининг хотираси учун беш ўғлини

## ХИСЛАТ ВА ҲИКМАТ

уларнинг исми билан атади: Абдурахим, Абдунаби, Абдуғаффор, Абдужаббор, Абдурахмон. Турғуноӣ аянинг беш неварасидан 30 чевара, 20 дан зиёд эвараси бор. Сухбат улаиб, Абдужаббор ақанинг умр йўлдоши, яъни Турғуноӣ аянинг неварара келини Машхура она шундай деди: – Келин бўлиб тушганимда бувим 80 ёшга боргандилар. Шунга қарамай,

хар кир ювганимда кийимларни қайта-қайта кўздан кечириб, тозалик ва покзалликни талаб қилардилар. Айтишларича, бувим фақат бир марта, кўзлари озгина хиралашганида шиқоркоғра мурожаат қилган эканлар. ... "Узоқ умр кўришни истайсаними? Унда ҳар кун битта яшил олма ейиш ва қатқ ичишни одат қил!" Инглизларнинг бу иборасини бутун умри Унгут қиш-

лоғида ўтган соддагина Турғуноӣ момо эҳтимол билмаслар. Лекин бизнинг: "Кўпроқ нималар тановул қилгансиз?" деган саволимизга "Э-э, кизим-а, энг кўп еганим – қотган нону ичганим сут-қатик бўлди" деб жавоб бердилар. Шарқ алломалари: "Кам е, кам ич, кам ухла ва, албатта, кам гапир" дейишган. Зўр бериб, узоқ умр кўришга ҳаракат қилган европаликлардан

фарқли ўларок, унгутик Турғуноӣ момо ҳаёти давомида қайсидир етимнинг бошини силлашга, етишмовчилик туфайли тўй қилолмаётган йигитнинг огирини енгиллатишга, ўзи бўз қийса-да, қайсидир келинга атласу шойиларни илминишга, хуллас ўзгаларга яхшилик улашишга ҳаракат қилди. Бундай хислат ва фазилатларнинг ажрим ҳақ салмоқли бўлади. Турғуноӣ момонинг узоқ ва мазмунли ҳаёти шундан далолат. Дилафрўз ЭГАМБЕРДИЕВА.

## ЭЛ ҲУРМАТИДАН МАМНУНЛАР

Юқори Чирчиқ туманидаги "Ариран" пансионатида Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маданий-маърифий тадбир ўтказилди.

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди томонидан ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда уруш ва меҳнат фахрийлари ҳамда ёши улуг инсонлар хурматини жойига қўйиш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида алоҳида эътибор қаратилаётгани, бағрикенглик, миллатлараро толулиқни асраб-авайлаш тамойилларига қатъий амал қилинаётгани таъкидланди. Ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш каби

езгу одатларимиз ўсиб келаётган навиқирон авлод қалбиде миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғусини шакллантиришга хизмат қилади. Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 18 апрелда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони кексаларга, жумладан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига чуқур ҳурмат ва эҳти-

ромнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Айни кунда "Ариран" пансионатида эллик нафарга яқин фуқаро истиқомат қилмоқда. Бу ерда барча зарур шарт-шароит яратилган. – Саломатлигимни тикламоқдаман, – дейди 78 ёшли Татьяна Цой. – Давлатимиз раҳбари томонидан биз, кекса авлод вакиллари кўрсатилаётган эътибор ва гамхўрликдан беҳад мамнунимиз. Санъаткорларнинг концерт дастури тадбирга байрамона руҳ бағишлади. Х. САЛИМОВ, Ўза муҳбири.

# ТАЪЗИМ СИЗГА ФАХРИЙЛАР



Бекобод туманида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ҳамкорлигида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ўтказилган тадбирлар шў мавзуга бағишланди.

Жумладан, Улугбек кишлоқ фуқаролар йиғини "Гулзор" маҳалласида истикомат қилувчи 94 ёшли уруш қатнашчиси Бердидой ота Фафуров хонадонида бўлиб, байрам совғалари топширилди. 96 ёшли уруш фахрийси Ражаб ота Баратовга ҳам шундай меҳр-оқибат кўрсатил-

ди. Тумандаги 16-бола-лар мусиқа ва санъат мактабида уюштирилган "Таъзим сизга фахрийлар" тадбири, айниқса кексаларга маъқул бўлди.

Деҳқонобод кишлоғидаги "Қушчи" маҳалласида эса қаҳрамон аскар И. Ибрагимов хотирасига бағишланган замона-

вий спорт майдончаси куриб битказилди. Бу ерда ўтказилган Хотира турнирида ҳарбий қисм бўлинмалари, маҳалла ёшлари фаол иштирок этишди. Ғолиблар рағбатлантирилди. Қаҳрамон аскар И. Ибрагимовнинг ота-онаси тадбир ташкилотчиларига миннатдорлик билдириб, ёшларга, ҳарбий хизматчи ва аскарларга соғлиқ, омонлик тилади.

**Саида ИКРОМОВА,  
Қобилжон ҒОФУРОВ  
олган сурат.**

## Қарор ва ижро

Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ, яъни 1991 йил 20 ноябрда "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди ва у бугунги кунда кенг қўлама амалга оширилаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги баённомаси ижросини таъминлаш мақсадида вилоят солиқ қўмитаси, адлия, прокуратура бошқармалари, хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ЁИХ, туман ва шаҳар ҳокимларининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарларидан иборат гуруҳлар тузилган бўлиб, улар "Ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш" билан шуғулланиди. Ушбу гуруҳларга раҳбарлик қилиш ички ишлар органлари зиммасига юклатилди.

Вилоятимизда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими ва гуруҳлар ходимлари ўқувчи-ёшлар орасида жиноятларнинг олдини олиш борасида Халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар ҳамда халқ таълими бошқармалари ва уларнинг жойлардаги педагогик жамоалари билан ҳамкорликда учрашув ва давра суҳбатлари ўтказмоқда.

Шу билан бирга вояга етмаганлар қаровсизлиги ва назоратсизлиги га барҳам бериш, мактаб ва коллеж ўқувчилари давоматини ўрганиб, дарс пайтида бошқа ишлар билан машғул бўлиб юрналари аниқлаш ва тегишли чора қўриш мақсадида "Давомат", "Ўсмир" ва "Ўқувчи" тад-

Бундан ташқари, республика Президентининг "2014 йилда Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳам ушбу Қонун ижросига хизмат қилмоқда.

# БУРЧНИ БИЛГАН МАСЪУЛИЯТНИ УНУТМАЙДИ



бирлари уюштирилмоқда. Бу тадбирларга ички ишлар идоралари, таълим муассасалари ва жамоатчилик вакиллари жалб қилинапти. Таълим муассасаларида мониторинг, бозор ва кўчаларда рейдлар ўтказилди.

Бундан ташқари, вилоят ички ишлар бошқармасининг бўлими ва бўлими бошлиқлари ҳар бир коллеж ва лицейларга бириктирилиб, 1 мартдан 3 апрелгача "Ёшлар орасида гийёҳвандлик воситалари тарқалишига қарши кураш ойлари" ўтказилди. Бу тадбирда 63 минг 750 ўқувчи-ёшлар қамраб олинди. Илгиринг биринчи чорагида шаҳар-туман ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга 545 та ҳужжат тегишли қарор қабул қилиш учун юборилди.

Ҳозирги пайтда ички ишлар идораларининг профилактика инспекторлари фақат ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни аниқладиган ходим эмас, балки амалдаги қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига, айниқса, ёшлар оғина синдириб борадиган шахс сифатида фаолият юритиши талаб этилмоқда. Бу ёшларнинг Конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва бурчларини чуқур англаб етишлари, уларга амал қилишлари, таълим олади, бундан ташқари, вилоят ички ишлар бошқармасининг бўлими ва бўлими бошлиқлари ҳар бир коллеж ва лицейларга бириктирилиб, 1 мартдан 3 апрелгача "Ёшлар орасида гийёҳвандлик воситалари тарқалишига қарши кураш ойлари" ўтказилди. Бу тадбирда 63 минг 750 ўқувчи-ёшлар қамраб олинди. Илгиринг биринчи чорагида шаҳар-туман ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларга 545 та ҳужжат тегишли қарор қабул қилиш учун юборилди.

эътиқод, онглилик, ҳалоллик, виждонлилик каби сифатларга мазмун-моҳият бағишлайдиган умуминсоний қадриятдир.

Ахборот олиш, интернет ва тезкор хабарлар тизимлари кучайган ҳозирги вақтда қандай тарбия билан шуғуллансақ, ўзимизни ҳам, бошқаларни ҳам номаъқул хатти-ҳаракатлардан сақлаймиз? Республика Президентининг "Тарихий хотирасиз келажақ йўқ" асарининг бошида "Жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч – маърифатдир" деган сўзлар битилган. Шукрки, бугун халқимиз дунёқарашда миллий ва умуминсоний қадриятлар тизими шаклланимоқда, ёшлар миллий тарихимизни катта қизиқиш билан ўрганмоқдалар, дунё халқлари эришган ютуқлардан хабардор бўлмоқдалар.

Ҳеч қачон унутмаслигимиз кераки, дунёда глобаллашув жараёни йил сайин эмас, кун сайин тезлашмоқда. Юқорида айтганимиздек, оммавий ахборот воситалари, интернет, тури реклама, кино ва сериаллар ёшлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатиб, ёт халқлар урф-одатлари биз-

нинг қадриятларимиз билан қоришиб кетиши ва ёшларимиз уларнинг қай жиҳатларини ўзлаштиришида муаммолар пайдо бўлмоқда. Жаҳон ахборот майдонидан дунё ёшларини ўз миллий қадриятларига қарши тарбиялашга қаратилган ҳаракатлар ниҳоятда авж олмоқда. Бир қатор ниёти бузуқ ташкилот ва ҳаракатларнинг сохта демократик жамият қуриш қабилидаги сафсаталари остида қандай яширин мақсадлар ётгани барчамизга тобора аён бўлмоқда.

Шундай экан, келажак авлодни миллий қадриятларимиз ва маънавиятимизни ардоқловчи инсонлар этиб тарбиялаш, маданий мерос ва миллий анъаналаримизни савишга ўргатишимиз зарур.

Маърифат – таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ғоялар мажмуи асосида кишиларнинг онгу билимини, маданиятини ўстиришига қаратилган омилдир. Бугунги кунда олим ва зиёлиларимиз аҳоли, айниқса, ёшлар билан учрашганларида, бу масалага катта эътибор қаратиб, унинг мазмун-моҳияти тўғрисида фойдали маслаҳатлар беришяпти. Бундай учрашув ва давра суҳбатларида давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида таърифланган, маънавият инсонни руҳан покликни, қалбдан улғайтишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч эканини тақдор ва тақдор тушунтириб боришимизга кўзлаган мақсадимизга элтади.

**Махаммадали  
ИСМОИЛОВ,  
вилоят ИИБ  
бошқарма бошлиғи.**

## ЎЗБЕГИМ ҚИЗЛАРИ – ОРАСТАДИР ЎЗЛАРИ

Ўсмир қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш мақсадида Олмалик ижтимоий-иқтисодий ва сервис касб-хунар коллежида "Ораста қизлар" тўғраги қатнашчилари ўртасида "Қув-

ноқлар ва зукколар" кўрик-танлови уюштирилди.

Танловда "Ўзбегим қизлари" жамоаси маҳорат ва зукколигини намойиш этиб, биринчи ўринни эгаллади. 2- ва 3-ўринлар "Янги юлдузлар" ҳамда "Сахро" жамоаларига насиб этди. **Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

## ТАБРИК ВА ЭЪЛОНЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИ (КЕЙИНГИ ҲАҚИҚАТИ) ҲАМДА СУД ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ СУД ҲУЖЖАТЛАРИ ВА БОШҚА ОРГАНЛАР ҲУЖЖАТЛАРИ БЎЙИЧА МОЛ-МУЛКНИ СОТИШ УЧУН САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН САВДО ТАШКИЛОТЛАРИ (ЮРИДИК ШАХСЛАР)НИ ОЧИҚ ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

#### 1. Умумий шартлар

Танлов ташкилотчиси – Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси.

Очиқ танловга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни (кўчмас мулк ва автоматотранспорт воситаларидан ташқари) сотиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш қўйилади.

Ўтказилаётган танловнинг мақсади – суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаб олиш.

Танлов ўтказиш Комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия) томонидан танловда қатнашиш учун берилган ариза ва ҳужжатларни кўриб чиқиш Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси биносидан (Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Темир Малик кўчаси, 2-уй) 2014 йил 14 июндан ҳар кун 10:00 да бошланиб, 18:00 қадар амалга оширилади ва танлов натижалари бўйича ғолиблар аниқланади.

1) 2014 йил 14 июнь кун 10:00-18:00 гача Ангрэн шаҳри, Чирчиқ шаҳри, Ўрта Чирчиқ тумани ва Паркент туманлари бўйича;

2) 2014 йил 16 июнь кун 10:00-18:00 гача Бўка тумани, Қуйи Чирчиқ тумани, Оққўрғон тумани, Янгийўл тумани, Бўстонлик туманлари бўйича танлов ўтказилиб, танлов натижалари бўйича ғолиблар аниқланади.

#### 2. Танлов шартлари ва танлов ғолибларини аниқлаш мезонлари

Танловда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган, турғун савдо шаҳобчаси ва назорат-касса машинаси мавжуд юридик шахслар қатнашишлари мумкин.

Қуйидаги юридик шахслар танловга қатнашишга қўйилмайдилар:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкрот арафасида бўлган;
  - олти ойдан кам муддат давомида фаолият юритаётган;
  - охири 2 йил ичида ижро ҳужжатлари асосида хатланган мол-мулкни сотиш юзасидан тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги сабабли шартнома бекор қилинган бўлса.
- Танловда ғолиб чиқишининг асосий мезонлари:
- истемолчи учун жойлашган жойининг қулайлиги (вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва ҳоказоларга яқинлиги);
  - мол-мулкларнинг сақланишини, туркумланишини, сортларга ажратилишини ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг мавжудлиги;
  - мажбуриятлардан ҳоли бўлган пул маблағлари;
  - мавжуд яроқли техникаси;
  - ходимларининг малакаси ва иш тажрибаси;
  - кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмасининг пастлиги.

#### 3. Танловда иштирок этиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:

- Комиссия номига ариза;
- давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- савдо ташкилоти таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- савдо ташкилотининг олдинги ҳисобот йили учун тегишли давлат идораларига берилган бухгалтерлик баланси (1- ва 2-шакллар) нусхаси;
- савдо ташкилотидан назорат касса машинасининг мавжудлиги тўғрисида давлат солиқ хизмати органларининг маълумотномаси;

– савдо дўконига бўлган мулк (ижара) ҳуқуқининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

– савдо дўконининг жойлашган жойи тўғрисида маълумот, унинг қисқача тавсифномаси ва 10х15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг атроф кўриниши, умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилиши керак);

– мол-мулкларнинг сақланиши, туркумланиши, сортларга ажратилиши ва бутланишини таъминловчи жой (ускуна)ларнинг қисқача тавсифномаси, шунингдек 10х15 ўлчамдаги рангли фотосуратлари (жойнинг умумий ташқи ва ички кўринишлари акс эттирилади) ва уларга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар;

– савдо ташкилоти ходимлари ва уларнинг иш тажрибаси тўғрисида маълумот;

– талабгорнинг мажбуриятлардан ҳоли пул маблағлари мавжудлиги тўғрисида банк маълумотномаси;

– талабгорга тегишли ҳамда ижро ҳужжати бўйича мол-мулкни сотишда иштирок этиши мумкин бўлган яроқли транспорт воситаларига оид ҳуқуқни белгилловчи ҳужжатлар ҳамда уларнинг техник тавсифи;

– кўрсатилган хизмат учун савдо чегирмаси микдори тўғрисида тақлиф (10 фоиздан кўп бўлмаган).

Алоҳида турдаги фаолиятни амалга ошириш учун рухсатнома ёки лицензия талаб қилинган ҳолларда, шунингдек нотариал тасдиқланган рухсатнома ёхуд лицензиянинг нусхаси ҳам тақдим этилади.

Талабгорлар мазкур эълонда белгиланган баҳолаш мезонларини тасдиқлаш учун зарур бўлган бошқа қўшимча ҳужжатларни тақдим қилишлари мумкин.

Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар савдо ташкилоти номидан ҳаракат қилувчи вакил томонидан топширилган бўлса унда унинг ваколатларини тасдиқловчи ва тегишли тартибда расмийлаштирилган ҳужжат бўлиши керак.

Аризага талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг рўйхати имзоланган ҳолда илова қилинади.

Юқорида белгиланган ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларига жавоб бериши лозим.

#### 4. Талабгорлар томонидан тақдим этилган ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш тартиби

Ариза ва ҳужжатлар Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси биносидан (Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Темир Малик кўчаси, 2-уй, тел.: 263-53-15, 263-53-08) Комиссия ишчи органи – ҳудудий бошқарманинг статистика ва таҳлил бўйича сектори (инспектори) томонидан 2014 йил 9 июнь кунига қадар қабул қилинади.

Аризага илова қилинган ҳужжатлар шахсан, қурьер ёки алоқа бўлими орқали ёпилган конверт билан мазкур эълонда кўрсатилган манзил бўйича "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танлови"га деган белги билан юборилиши керак.

Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган ҳисобланади.

Белгиланган муддатда тақдим этилмаган ёки мазкур эълоннинг 2-банди 2-хатбошида назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, танловга тақдим этилган ҳужжатлар қайтарилмайди.

#### Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси танлов ўтказиш комиссияси.

### "КО'Р TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич охири бориши тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар СИБ томонидан 24.03.2014 йилдаги №1-12/14-сонли ижро варақасига асосан тақдим этилган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1) Бошлангич нархи – 1 434 001 065 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани, Х.Сулаймонов кўчаси, 84-уйда жойлашган эр участкасининг умумий майдони 1015,0 кв.м., фойдали майдони 521,0 кв.мдан иборат тураржой биноси. 5) Бошлангич нархи – 256 629 639 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани, Х.Сулаймонов кўчаси, 88-88а-уйда жойлашган эр участкасининг умумий майдони 658,0 кв.м., фойдали майдони 354,20 кв.мдан иборат тураржой бинолари қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2014 йилнинг 10 июнь кун 10:00 да Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошлангич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган микдорда зақалат пулни 1518,0 кв.м., фойдали майдони 1666 кв.мдан иборат маъмурий бино ва омборхона бинолари. 4) Бошлангич нархи – 343 539 486 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани, Х.Сулаймонов кўчаси, 84-уйда жойлашган эр участкасининг умумий майдони 1015,0 кв.м., фойдали майдони 521,0 кв.мдан иборат тураржой биноси. 5) Бошлангич нархи – 256 629 639 сўм бўлган, Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани, Х.Сулаймонов кўчаси, 88-88а-уйда жойлашган эр участкасининг умумий майдони 658,0 кв.м., фойдали майдони 354,20 кв.мдан иборат тураржой бинолари қўйилмоқда.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилиги бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9:30 дан 17:00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш мумкин бўлган савдоси ўтказилишига бироқ иш кунли қолганда соат 17:00 да тухтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: №0039.

"SATTOR" МЧЖнинг устав жамғармаси 238 870 416 сўмдан 4 000 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Чиноз туманидаги 40-сонли умумтаълим мактаби томонидан 2005 йилда Мухиддинов Бахтиёр Хусанович номига берилган У № 1600816 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

1-сонли умумтаълим мактаби томонидан 2008-2009 ўқув йилида Холбўтаев Жасур Ҳасанович номига берилган У № 4009375 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Наманган шаҳар ҳокимияти ҳузуридаги ТСРҲИ томонидан рўйхатга олинган "ATLANT GRAND SAVDO" МЧЖ ва "MUKAMMAL BETON MONTAJ" МЧЖлар "CONCRETE DESIGN" МЧЖга бирлашишини маълум қилади.

Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси Тошкент вилоят бўлимининг вилоят адлия бошқармаси томонидан 13.08.2007 йилда берилган 561-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Яққа тартибдаги тадбиркор Сағдуллаев Нодир Лутфуллаевичга тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

## ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 9 май кун Тошкентда ҳаво ўзгариб турали, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 17-19, кундузи 30-32 даража иссиқ бўлади. Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб турали, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 15-20, кундузи 28-33 даража иссиқ бўлади. Республикаимизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб турали, баъзи туманларда биров ёғин ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 9-14, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади.



Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

Таэквондо

"Ўзбекистон" спорт мажмуасида ёшлар ва ўсмирлар ўртасида шарқона курашнинг таэквондо (ИТФ) йўналиши бўйича Ўзбекистон очик чемпионати бўлиб ўтди.

ВАКИЛЛАРИМИЗ ШОҲСУПАДА

Унда республикамизнинг барча вилоятларидан келган 670 нафар спортчи билан бирга Россия ва Қозоғистон терма жамоаси таэквондочилари ҳам голиблик учун куч сиништириди.

М. Вақосов 63 килограмм вазнда, С. Шербекова 47 килограмм вазнда, С. Йўлдошбекова 42 килограмм вазнда тенгсиз эканликларини исботлаган бўлса, 37 килограмм вазнда Д. Салимова 2-ўринни эгаллади.

Чемпионат якунида Тошкент шаҳри курашчилари умумжамоа ҳисобида биринчи бўлишди. 15 та биринчи, 16 та иккинчи, 19 та учинчи ўринни эгаллаган вилоятимиз жамоаси вакиллари фахри 2-ўринни, Бухоро жамоаси 3-ўрин, сирдарёликлар эса 4-ўринни забт этишди.

Ташкилотчилар чемпионат голибларига диплом, фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширишди.

Аваз ИСРОИЛОВ. Азамат АХМЕДОВ олган сурат.



СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ГАРОВИ

Тошкент давлат аграр университети қошидаги Қибрай академик лицейида Республика Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш-

Вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Тошкент давлат аграр университети, Қибрай туман ҳокимлиги, туман болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, маданият ва спорт ишлари бўлими, мудофаа ишлари бўлими, "Камолот" ёшлар ижтимоий

ҳаракати бошланғич таълимоти вакиллари иштирок этган мусобақада 500 га яқин ёш йигит-қизлар футбол, стол тенниси, шахмат, югуриш, тош кўтариш ва турникда тортилиш бўйича ўзаро баҳслашдилар.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ. Азамат АХМЕДОВ олган сурат.

Мотопойга

Олмалик шаҳридаги "Қалмоққир" мототрассасида мотоспортчиларнинг Ўзбекистон чемпионати ва биринчилиги финал босқичи бўлиб ўтди. Мусобақа республика Техник ва амалий спорт турлари маркази ташаббуси билан "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши ҳамда Олмалик автомобиль мактаби ҳамкорлигида ташкил этилди.

ВИЛОЯТИМИЗ ЖАМОАСИ – ГОЛИБ



– Мазкур тадбирнинг ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамияти катта, – дейди "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши раиси ўринбосари Анвар Курбониев. – Ҳар бир иштирокчининг маҳорати айнан шундай мусобақаларда янада чарқланади.

Мусобақа якунига кўра, катталар ўртасида вилоятимиз вакиллари Андрей Андреевич Сазонов, Андрей Николаевич Сазонов биринчиликини кўлга киритишди. Ўсмирлар ўртасида Шевкет Сулаймонов ва Владимир Оттинов биринчи, Темуржон Ахмедов ва Эмран Аблязов иккинчи ўринни эгаллашди.

Спартакиада

МУСОБАҚА КЕТИДАН МУСОБАҚА

Зангиота туманидаги ижтимоий-иқтисодиёт коллежида XII аънавий "Саоматлик куни" спартакиадаси ўтказилди. Мақсад – соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш.



Спартакиадада иштирокчилар спортнинг бир қатор жумладан "Алпомиш ва Барчиной" тест синовлари, югуриш, узунликка сакраш, ядро иргитиш, гимнастика машқлари, аркон тортиш каби йўналишлари бўйича ўзаро беллашишди.

– 41 та гуруҳда 1126 ўқувчи ўқитган коллежимизда спортга алоҳида эътибор берилди, – деди директор Мамлакат Фуломова. – Одатда ўқувчилар орасида спортга қизиқувчилар кўп бўлади. Шунинг билан бундай тадбирлар жуда муҳим аҳамиятга эга. Спартакиада якунида голиб ва совриндорларга эсдалик совғалари топширилди.

Феруза ТҮРАЕВА. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Bolalik bog'i

Sinfdoshlari Nodir bilan gaplashmay qo'yishdi. Negaki, zo'ravonlik uning doimiy odati. Katta tanaffus paytida boshqalarni turtib-surtib, navbatdan oldin ovqat oladi. Hammaqa laqab qo'yadi. "Men" deyshini yaxshi ko'radi.

SABOQ

g'amiz yoqarmikin? Qutichani ochib, tashqariga chiqish uchun talpinayotgan oppoq, momiq kuchukchani ko'rib, Nodir xursand bo'lib ketdi. – Rostdan ham shu chiroyli kuchukcha mengami? – Ha, – dedi Malika. – Bu zotdor itning bolasi. Odamga mehribon, gapingga tushunadi. Faqat uni mehr bilan parvarishlab, yaxshi odatlarni o'rgatsang bas...



Осмони мусаффо юртимизнинг мамнун нурунийлари.

Одамийлик шеваси


Она табиат нақадар гўзал. Кўзни қувонтирадиган гуллар, дастурхонларимизни безаётган мевалар ва иссиқликдан сақлаётган дов-дарахлар. Бу гўзалликлардан дил яйрайди. Асрларни қаритан арча ва виқорли чинорларни кўриб, табиат бизни умрбод асрашини сезиб қувонамиз.

оралаб борар экан, айр-айр ҳолатларни кўриб, ранжиди-ю, аста сув ёқасидаги сояси куюқ мажнунтол томон юрди.

нунтолнинг ўйиб ёзилган жойидан сизаётган сувни кўзёшдек ҳис этган йигитнинг кўнгли алланечук бўлиб кетди.

ни тирнайсиз. Менинг айбим нима? Соямни кўланка қилганимми? Неча-неча яраларни вақт даволаб битирди. Аммо, дай нидо билан шивирлаётгандек эди. У диққатини жамлаб, дунёнинг бурчак-бурчакларида турли офатлар хужуқ қилаётганини эслади.

Рассом хандаси



– Кайфим жанжал чиқарадиган даражада эмас... Ишонмасанг ўлчаб кўр-р... caricatura.ru

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мабуотчилар кўчаси, 32. e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс). 233-12-83, 233-48-08. 233-56-03, 233-65-59. 233-54-10.

Тошкент вилояти Мабуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таърихияти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Даврон АХМЕДОВ Навбатчи Ҳасан САЪДУЛЛАЕВ Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ